

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛТМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК – ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛТЕТИ

« Мухандислик коммуникатсиялари қурилиши ва монтажи» кафедраси

37 – КТМКҚ – 10 ГУРУХ ТАЛАБАСИ МУХАМАДИЕВ ЖАМШИД
АБДУҚАХХОРОВИЧНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қурилиш матермалларининг иссиқлик ўтказувчанлигини аниқловчи қурилма яратиш ва иссиқлик ўтказувчанлик мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ўқитишни режалаштириш.

Илмий рахбар:
доц. Н. Р. Ходжиев

Наманган – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-4
Асосий қисм	
I Боб. Қурилиш материалларининг турлари ва хоссалари.....	5
1.1 Иссиқлик изоляцияси материалларининг турлари ва хоссалари.....	5-6
1.2. Органик иссиқлик изоляцияси материаллари.....	7-8
1.3. Тажриба қурилмаларини тайёрлаш.....	9-13
1.4.Ноорганик иссиқлик изоляцияси материаллари.....	14-16
II Боб. Методика қисми.....	17
2.1. Янги педагогик технологиянинг таркибий тузилмаси.....	17-18
2.2. Ўқитишга бўлган ёндашувларнинг қиёсий таснифи.....	19-20
2.3. Педагогик технология.....	21-29
2.4. Иссиқлик ўтказувчанлик мавзусининг технологик харитаси.....	30-32
III Боб. Иқтисодий самарадорлиги. атроф мухитни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	33
3.1.Ўзбекистон республикасининг минерал хом-ашё ресурслари ва уларни муҳофазаси.....	33-34
3.2.Технологик жараёнларда ёнғин хавфи ва уни олдини олиш тадбирлари.....	35-36
3.3. Ишнинг самарадорлиги.....	37
Хулосалар ва тавсиялар.....	38-39
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	40-41

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбааларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш” тўғрисидаги фармонига асосан иккиламчи энергия манбааларидан унумли фойдаланиш йўналиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳамда ижтимоий ҳаётда фойдаланиш учун етарли миқдорда энергия ресурсларига эга. Ҳозирги кунда энергетика ресурслари ишлаб чиқариш ҳажми ички талабдан 15-20 фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда, натижада ёқилғи энергетика комплексини тез ривожлантириш давлатимиз сиёсатини устивор йўналишига айланган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг баъзавий соҳасини ҳисобланади ва у муайян ишлаб чиқариш ва илмий техник манбаага эга бўлиб, унинг ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатади.

Ўртача халқаро ўлчовларда Ўзбекистоннинг шартли ёқилғи захирасидаги ўзига хос салоҳиятга эга бўлиб, тахминан 14 миллиард тоннага яқин шартли ёқилғига эга. Асосланган углеводород захирасининг ҳажми ўзбек фойдали қазилма конларида ўртача дунё масштабида ҳисобланганда 594 миллион баррел нафть ва 1.9 триллион м.³ газга тенг. Шунини таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистондаги энергия ресурсларининг умумий истеъмоли баланси охириги 10 йилликда табиий газ 84-87 фоиз, мазут 11-8 фоиз ва кўмир 3.5-4.4 фоизни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, ёқилғи энергетика баланси шаклида энергетика хавфсизлиги талабларига оптимал жавоб бермайди. Маълумки, нефть ва газ захиралари бошқа давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам камайиб бормоқда, у бир неча ўн йилликларга, шу билан бирга кўмир захираси 250 йилдан кўпроқ муддатга етиши мумкин.

Шундан хулоса қилиб, бугунги куннинг Ўзбекистонда энергетикасидаги роли пастлигини ҳисобга олган ҳолда уни ошириш учун фаоллик кўрсатиши зарур, 2015 йилгача бўлган ёқилғи энергетика балансининг диверсификациялаш режасида кўмир қазилш ўн бир фоизга етказилиши белгиланмоқда. Иссиқлик изоляцияси деб атрофидаги муҳитга иссиқлик йўқотилишини камайтириш мақсадида турар жой ва саноат бинолари, иссиқлик агрегатлари ҳамда қувурлар қуришда ишлатиладиган материалга айтилади. Иссиқлик изоляцияси материаллари ғовак тузилиш ва бунинг оқибатида зичлигининг кичиклиги (ортиғи билан 600 кг м³) ҳамда иссиқлик ўтказувчанлигининг пастлиги (куни билан 0.18 Вт \ м⁰с) билан характерланади.

Иссиқлик изоляцияси материалларидан фойдаланилганда деворлар ва бошқа тўсувчи қурилмаларнинг қалинлиги ва массасини камайтириш, асосий конструктив материаллар сарфини пасайтириш, транспорт харажатларини камайтириш ва тегишлича қурилиш нархини пасайтириш имкони туғилади. Бу билан бир қаторда иситиладиган хоналар йўқотадиган иссиқлик камайганда

ёқилғи сарфи камаяди. Кўпчилик иссиқлик изоляцияси материаллари юқори даражада ғовак бўлиши натижасида товушни ютиш қобилиятига эга бўлади, бу эса шовқин билан курашиш учун улардан акустик материаллар сифатида ҳам фойдаланишга имкон беради.

Келгусида энергия етказувчилардаги ўзгаришларни ҳисобга олиб марказий Осиё худуди ва Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси шунингдек, тахмин қилинаётган энергия истеъмолининг айниқса қишлоқ жойларида ўсиш ҳисобга олинса қайта тикланадиган энергияни ривожлантириш зарурияти шубҳасиздир.

Мустақилликка эришган бир шароитда, энергетик, экологик, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида, шунингдек, ёқилғи, электр энергетика ва сув тизими фаолиятидаги ўзгаришлар рўй бериб турган бир ҳолда республика энергетикасини ривожлантириш учун ноанъанавий қайта тикланадиган манбаалардан кенг фойдаланиш, ёқилғи электр энергетикаси ва сув тизимини мамлакатимизда ривожлантириш мустаҳкам омил бўлиши лозим.

I боб. Қурилиш материалларининг турлари ва хоссалари

1.1 Иссиқлик изоляцияси материалларининг турлари ва хоссалари

Иссиқлик изоляцияси деб атрофидаги муҳитга иссиқлик йўқотилишини камайтириш мақсадида турар жой ва саноат бинолари, иссиқлик агрегатлари ҳамда қувурлар қуришда ишлатиладиган материалга айтилади. Иссиқлик изоляцияси материаллари ғовак тузилиш ва бунинг оқибатида зичлигининг кичиклиги (ортиғи билан 600 кг м^3) ҳамда иссиқлик ўтказувчанлигининг пастлиги (қуни билан $0.18 \text{ Вт} \cdot \text{м}^0\text{с}$) билан характерланади.

Иссиқлик изоляцияси материалларидан фойдаланилганда деворлар ва бошқа тўсувчи қурилмаларнинг қалинлиги ва массасини камайтириш, асосий конструктив материаллар сарфини пасайтириш, транспорт харажатларини камайтириш ва тегишлича қурилиш нархини пасайтириш имкони туғилади. Бу билан бир қаторда иситиладиган хоналар йўқотадиган иссиқлик камайганда ёқилғи сарфи камаяди. Кўпчилик иссиқлик изоляцияси материаллари юқори даражада ғовак бўлиши натижасида товушни ютиш қобилиятига эга бўлади, бу эса шовқин билан қурашиш учун улардан акустик материаллар сифатида ҳам фойдаланишга имкон беради.

Иссиқлик изоляцияси материалларини асосий ҳам ашёнинг тури, шакли ва ташқи кўриниши, тузилиши, зичлиги, қаттиқлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги бўйича турланади.

Асосий хом ашёнинг турига кўра иссиқлик изоляцияси материаллари хом ашёнинг ҳар хил турлари (тоғ жинслари, шипок, шиша, азбест) асосида тайёрланадиган ноорганик, органик (уларни ишлаб чиқариш учун табиий органик материаллар, ёғоч толали материаллар хом ашё бўлиб хизмат қилади) ва пластмассалардан тайёрланадиган материалларга бўлинади.

Тузилиши бўйича иссиқлик изоляцияси материаллари толали (минерал, пахта, шиша толали минерал пахта, шиша толали донадор кerpет, вермекулит), ғовак (ғовак бетонлардан тайёрланадиган буюмлар, кубик шиша) материалларга турланади. Зичлиги бўйича иссиқлик изоляцияси материаллари: 15, 25, 35, 50, 75, 100, 125, 150, 175, 200, 225, 250, 300, 350, 400, 450, 500, 600 маркаларига бўлинади. Бикирлигига (нисбий деформацияланишга) қараб материаллар юмшоқ менерал ва шиша пахта, коалин ва базальт толадан қилинган пахта, ярим бикир синтетик боғловчи асосида тайёрланган штапел, шиша толадан қилинган плитадан қилинган ва бошқалар, синтетик боғловчи асосида менерал пахтадан қилинган плиталар юқори бикир (ПЖ), қаттиқ (Т) материаллар бўлади.

Иссиқлик ўтказувчанлиги жиҳатидан иссиқлик изоляцияси материаллари қуйидаги синфларга бўлинади: А – иссиқлик ўтказувчанлиги паст- $0.06 \text{ Вт} \cdot \text{м}^0\text{с}$ гача, Б – иссиқлик ўтказувчанлиги ўрта – 0.06 дан- $0.115 \text{ Вт} \cdot \text{м}^0\text{с}$ гача. Вазифасига кўра иссиқлик изоляцияси материаллари иссиқлик изоляцияси қурилиш (қурилиш

қурилмаларини иситиш учун) ва иссиқлик изоляциясини тиклаш (саноат асбоб-ускуналари ва қувурларини изоляциялаш учун) материалларга бўлинади.

Иссиқлик изоляцияси материаллари биочидамли, яъни чиримаслиги ҳамда хашорот ва кемирувчилар зарарламаслиги қуруқ микроскопикли кичик бўлиши (чунки нам бўлганда уларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги анча ортади) кимёвий жихатдан чидамли бўлиши, шунингдек, иссиқликка чидамли ва оловбардош бўлиши лозим.

1.2. Органик иссиқлик изоляцияси материаллари.

Дастлабки хом ашёнинг табиатига қараб органик иссиқлик изоляцияси материалларини шарли равишда икки турга бўлиш мумкин: табиий органик хом ашё (ёғоч, ёғоч ишлашдаги чиқиндилар, торф, бир йиллик ўсимликлар, хайвонлар жуни ва шу кабилар) асосида тайёрланадиган, иссиқлик изоляцияси пластмассалари деб аталадиган материаллар. Органик хом ашёдан қилинган иссиқлик изолятсияси материаллари бикр ва егилувчан бўлиши мумкин. Бикр материаллар жумласига ёғоч толали, ёғоч пайрахали, фибролит, орболит, комиш ва торф плиталар эгилувчан материаллар жумласига қурилиш номоти ва гофрировка қилинган картон киради. Бу иссиқлик изоляцияси қурилиш материаллари сув таъсирига ва биочидамлилигининг пастлиги билан фарқланадилар.

Ёғоч толали иссиқлик изоляцияси плиталари ёғоч чиқиндиларидан, шунингдек турли қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан (похол, қамиш, ўзак, маккажўхори пояси ва бошқалар) олинади. Плиталарни тайёрлаш жараёнини қуйидаги асосий операциялардан иборат: ёғоч хом ашёни майдалаш ва янчиш, толали массани боғловчига шимдириш, қолиплаш, қуритиш ва плиталар кесиб олиш. Ёғоч толали плиталар 1200-2700 мм узунликда, эни 1200, 1700 ва қалинлиги 8-25 мм қилиб чиқарилади. Зичлиги бўйича улар изоляцион ($150-200 \text{ кг/м}^3$) ва изоляция пардозлаш ($250-350 \text{ кг/м}^3$) плиталарга бўлинади. Изоляция плиталарнинг иссиқлик ўтказувчанлигини 0.047 - 0.07, изоляция - пардозлаш плиталариники эса 0.07-0.08 Вт/ ($\text{м} \cdot ^\circ\text{с}$). Плиталарнинг эгилишида мустаҳкамлик чегараси 0.4 – 2 МПа ни ташкил қилади. Ёғоч толали плиталар ёқори товуш изоляциялари хоссаларига эга. Изоляция ва пардозлаш плиталари деворлар ва биноларнинг ораёпмаларининг иссиқлик ва товушдан изоляциялаш, концерт заллари ва театрларни акустик изоляциялаш (осма шиплар ва деворларни қошлаш) учун ишлатилади. Фибролит плиталар ёғоч жуни ва цемент хамиридан иборат массани пресслаш усулида бажарилади. Ёғоч жуни ускуналарида ёғоч чиқиндиларидан тайёрланади. У узунлиги 400-500 ва эни 4-7 мм юпқа ленталар кўринишига эга. Цементли фибролитда ёғоч жуни арматура бўлиб хизмат қилади. Фибролит плиталарини ишлаб чиқариш жараёни мураккаб эмас ва қуйидаги босқичлардан иборат: портландцементни сувга қориш, цемент хамирини ёғоч


жуни билан аралаштириш массани қолипларда паресслаш қолипларда плиталарни буғлатиш, онолупкасини олиш ва плиталарни киритиш ва хакозо.

Фибролит плиталарнинг узунлиги 2400 ва 3000, эни 600 ва 1200 ҳамда қалинлиги 30 ва 150 мм. Зичлиги бўйича фибролит плиталар 250 дан 500 кг/ м³гача маркаларга бўлинади, бунда эгилишдаги мустахкамлик чегараси тегишлича 0.15 дан 1.8 МПа гача иссиқлик ўтказувчанлиги 0.08 дан 0.1 Вт/(м·°с) гача.

Цемент фибролит плиталардан пойдеворлар қилиш учун, деворлар ва чордоқ ораёпмаларини иситиш учун фойдаланилади. Арболит цемент органик тўлдиргичлар, кимёвий қўшимчалар ва сув аралашмасидан тайёрланади. Органик тўлдирувчилар сифатида ёғоч навларнинг майдаланган чиқиндиларидан, майдаланган камиш, каноп ёки зиғир узачи ва шу кабилардан фойдаланилади. Арболитдан буюмлар тайёрлаш технологияси жуда оддий ва органик тўлдиргичлар тайёрлаш операцияларини, масалан ёғоч навларнинг чиқиндиларининг майдалаш тўлдиргичнинг цементли қоришмаси билан аралаштириш, ҳосил бўлган аралашмани қолипларга қуйиш ва уни зичлаш.



Цемент фибролитнинг тузилиши



Камиш плита



Купикполистирол блок

1.3. Тажриба қурилмаларини тайёрлаш

Тажиба қурилмасини тайёрлашда мавжуд иссиқлик алмаштириш қурилмалари билан танишиб чиқилди. Тажиба қурилмасини аввалига макетини яратиб олдик. Қурилма маектини тайёрлашда картон қоғоздан фойдаландик. Тайёрланган бу қурилмада иссиқ сув қуйиб тажиба ўтказиш имкониятини чеклайди. Қурилмани такомиллаштириш ишларини олиб бордик. Сўнгра қурилмани рухланган тунукадан тайёрладик. Тажиба қурилмасини “Мухандислик коммуникациялари қурилиши” кафедрасига қарашли лабаротирия хонасида тайёрладик.

Тажиба қурилмаси



Қурилма материалларини иссиқлик ўтказувчанлигини аниқлаш учун тайёрланган тажиба қурилмасида бажарилган синов.



1. Синов ишлари бажарилган жой Наманган шаҳар Дўстлик кўчаси, 12- уй, 1- ўқув биноси, биринчи қават, 124- хона.

2. Синов ишлари ўтказилган ташкилот номи НамМПИ қурилиш факултети “МКҚ” кафедраси.
3. Синов ишлари ўтказилган сана – 18-19 июнь 2014 йил.
4. Синов ишлари ўтказилган вақт – 13.30 – 16.40.
5. Об - ҳаво тўғрисида маълумот (об - ҳаво)
6. Интернет тармоғидан Наманган шаҳри учун олинди. (WWW.ПОГОДА.UZ.)
7. Ҳаво ҳарорати $+32^{\circ}\text{C}$.
8. Ҳаво босими 7.18 мм.с.м. ус.
9. Ҳавонинг нисбий намлиги 28 %.
10. Шамол тезлиги жанубдан, жанубий –ғарб 1 м/с .

Тажриба синов ишлари бажаришдан асосий мақсад қурилиш материаллари иссиқлик ўтказиш коэффициентини аниқлаш. Тажриба ишларини бажаришда $+100^{\circ}\text{C}$ дан иссиқ сув қуйдик ва бир хил иссиқлик ўлчаш асбоблари яъни термометр ўрнатдик. Тажриба ишларини бажариш уч ярим соат давом этди. Олинган натижа жадвали:

Арболит зичлигини унча юқори бўлмаслиги билан характерланади. Зичлиг 700 кг/м^3 дан кам, сиқилишда мустаҳкамлик 0.5 дан 3.5 унинг иссиқлик ўтказувчанлиги $0.1 - 0.22\text{ Вт}\cdot(\text{м}^{-1}\cdot^{\circ}\text{C})$. Ўқотар қимматбаҳо қурилиш хусусиятларига эга: биочидамли, қийин ёнадиган, совуққа чидамли, эрроланадиган ва нормаланади. Арболитдан плиталар ва панеллар кўринишида қилинган буюмлар осма ва ўзи кўтариб турадиган деворлар ва тўсиқларни қуриш учун шунингдек асосан турли мақсадларга мўлжалланган қишлоқ биноларининг ора ёпмалари ва ёпмаларида ишлатилади. Қамиш плиталар қамиш пояларини ускуналардан пресслаш ва уларни рухланган сим билан кўндаланг йўналишда тикиш йўли билан ишлаб чиқарилади. Плита узунлиги 2400 – 2800 эни 500 – 1500 ва қалинлини 30 – 100 мм. Плиталарнинг зичлиги 3 хил бўлган маркаси ишлаб чиқарилади. 175.200 ва 250. Уларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги $0.06 - 0.09\text{ Вт}\cdot(\text{м}^{-1}\cdot^{\circ}\text{C})$, намлик массаси бўйича ортиғи билан 18 % қамиш плиталар орзон иссиқлик изоляция материали бўлиб, механик ишлов беришнинг асослича ва совуқ билан яхши тишлаши билан характерланади. Лекин унинг муҳим камчилиги кемирувчиларнинг уни ишдан чиқариши намланганда чиришини шунингдек ёнувчанлигидир. Қурилишбоб наMAT хайвон жунидан узунлиги 1000-2000, эни 500-2000 ва қалинлиги 12 мм туғри бурчакли бир эн мато кўринишида тайёрланади. Наматнинг зичлиги 150 кг/м^3 иссиқлик ўтказувчанлиги тахминан $0.06\text{ Вт}\cdot(\text{м}^{-1}\cdot^{\circ}\text{C})$.

НаMAT девор ва шифтлар дераза ҳамда эшик қутилари ва бошқаларни иситиш учун ишлатилади. Наматнинг ўзига хос камчилиги - қуянинг кўпайиши

учун у муҳим бўлиб хизмат қилади, шу сабабли наmatни фторли натрийнинг 3 фоизли эритмаси билан шимдириш лозим.

Пластмассада тайёрланган иссиқлик изоляцияси материаллари.

Сўнгги йилларда пластмассада тайёрланadиган янги иссиқлик изоляцияси материалларининг анча катта гуруҳи яратилган. Термапластик (полистрол, поливинилхлорид, полиуретон) ва терморeактив (виноколлiплъдечид) смолалар, газ ҳосил қилувчи ва кўрирадиган моддалар, тўлдиргичлар, буёқ ва бошқалар уларни тайёрлаш учун ҳам ашё бўлиб хизмат қилади. Қурилишда иссиқлик ва товуш изоляцияси материаллари сифатида энг кўп тарқалгани серғовак- ғалвирак тузилиши пластмассалардир. Пластмассаларда газлар ёки ҳавога тўлган ғоваклар ёки бўшлиқларнинг ҳосил бўлишига химик, физик ёки механик жараёнлар ёхуд уларнинг биргаликдаги таъсири сабаб бўлади.

Тузилишига қараб иссиқлик изоляцияси пластмассаларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: кўпикпластар ва поропкастар. Кўпикпластарини деб зичлиги кичик ва ўзаро туташмаган газларга ёки ҳавога тўлган бўшлиқлар ёки ячейкалар мавжуд бўлган ғовак пластмассаларга айтилади. Поропластар деб тузилиши бир бири билан туташган бўшлиқлар билан характерланadиган серғовак пластмассаларга айтилади. Замонавий индустриал қурилиш учун энг қизиқарлиси кўпик полистироп, кўпикполивинилхлорид, кўпикполиуретон ва мипорадир. Кўпикполистирол – ғоваклари бир текис туташган тузилиши қаттиқ оқ кўпик кўринишидаги материал. Кўпикполистирол ўлчами 1000x 500x100 мм ва зичлиги 25-40 кг/м³ плита кўринишидаги ПСБС маркаси чиқарилади. Бу материалнинг иссиқлик ўтказувчанлиги 0.05 Вт/(м·°C) у ишлатиладиган максимал ҳарорат 70°C. Кўпик полистиролдан тайёрланган плиталар йирик панелли биноларнинг туташган жойларининг иситиш, саноат музлаткичларини изоляциялаш учун шунингдек товушдан изоляцияловчи қистирма сифатида ишлатилади. Кўпикполивинилхлорид- ғоваклари бир текис туташган тузилиши сарғиш рангли қаттиқ кўприк кўринишидаги материалдир. У поливинхлорид смола асосидаги мураккаб аралашмадан тайёрланади. Кўпикпласт ўлчами 500x750 қалинлиги 35-70 мм плиталар кўринишида ишлаб чиқарилади. Кўпикполивинилхлориднинг физик-механик хоссалари қуйидаги ўлчамлар билан характерланади: 95-195 кг/м³, иссиқлик ўтказувчанлиги 0.06 Вт/(м·°C), 24 соат ичида шимадиган суви кунни билан 0.3 фоиз иссиқликка чидамлилиги чекланган (70° C). Кўпикполивинилхлориддан қилинган плиталар қурилиш қурилмалари, совутиш асбоб ускуналари ва қувурларни изоляциялаш учун мўлжалланган. Кўпикполиуритон- шишган енгил пластмасса бўлиб, уни тайёрлаш технологик жараёни полимер аралашмани тайёрлаш, кўпиртириш, блокларни тайёрлаш, плиталарга бичиш ва маълум вақт сақлаб етилтиришни ўз ичига олади.

Кўпикполиуритон бикир ва эластик бўлиши мумкин. Бикир кўпикполиуритоннинг зичлиги 70^0 Сгача. Материал тузилишида берк ғоваклардан ташқари яна туташ ғовакларнинг бир мунча миқдори бўлиши туфайли понополиуретон юқори товуш ютиш хоссаларига эга. Плиталар кўринишидаги бикир кўпикполиуритондан осма девор панелларининг ички қатлами, ораёпмалар, деворларнинг товуш изоляцияси сифатида сегментлар ва қобикларидан магистрал қувурларни иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш тармоқларида иссиқлик изоляцияси учун фойдаланилади ва хакозо. Қистирмалар кўринишидаги эластик кўпикполиуретон панелларнинг горизонтал ва тик туташган жойларини герметизациялаш учун ишлатилади.

Мочевина- формолдечид смоладан олинадиган мепора оқ рангли ғовак материал бўлиб, ташқи кўриниши бўйича қотиб қолган кўпикка ўхшайди. Мепоранинг зичлиги $40-60 \text{ кг/м}^3$, иссиқлик ўтказувчанлиги $0.06 \text{ Вт/(м}^0\text{с)}$. Унинг иссиққа чидамлилиги 110^0 Сгача ва юқори товуш изоляцион хоссаларга эга. Мепоранинг камчиликлари қаторига юқори даражада чигроскопиклиги ва мустахкамлилигининг пастлиги (у осон уваланади) киради.

Мепора музлаткичлар қурилмасининг изоляциялаш учун ва синч қурилмаларни тўлдириш, қувурларни изоляциялаш учун иссиқлик-товуш изоляция материали сифатида кенг тарқалган ва хоказо. Стопластлар-асалари уяси шаклини эслатадиган катакли иссиқлик изоляция материалларидир. Катакларнинг деворлари синтетик полимерлар шимдирилган турли лист материаллардан (крафт- қоғозлар, ип газ 50 ва қалинлиги 300-350 ммли плиталар кўринишида тайёрланади.

1.4. Ноорганик иссиқлик изоляцияси материаллари.

Ноорганик иссиқлик изоляцияси материаллари жумласига минерал пахта, шиша толалари кўпик шиша, шишган перлит ва вермикулит, таркибида азбест бўлган иссиқлик изоляцияси материаллари, ғовак бетон ва бошқалар киради.

Минерал пахта ва ундан тайёрланадиган буюмлар. Минерал пахта силикат эритмаларидан олинадиган толали иссиқлик изоляция материалларидир. Тоғ жинслари (охақтош, мергиллар, долкомитлар, лойлислонецлар, базальтлар, гранитлар, деорит ва бошқалар), металлургия саноатининг чиқиндилари (пой ва силикат ғишт синиқлари) уни ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Минерал пахта ишлаб чиқариш иккита асосий технология жараёнидан ибрат: силикат эритмасини олиш ва бу эритмани жуда ингичка толаларга айлантириш. Силикат эритмаси воғронколар- шахтали эритиш печларида ҳосил қилинади. Печларга минерал хом ашё ва ёқилғи (кокс) юкланади. $1300-1400^0\text{С}$ хароратли эритма печнинг пастки қисмидан тўхтвсиз чиқариб турилади.

Зичлигига қараб минерал пахта 75, 100, 125 ва 150 маркаларига бўлинади. У оловбардош, чиримайди, чигроскопиклиги кичик ва иссиқликни кам ўтказади $0.04-0.05 \text{ Вт}\backslash(\text{м}^{-0}\text{с})$.

Минарал пахта мўрт бўлгани учун уни етказишда кўп чанг ҳосил бўлади, шу сабабли пахта гранулланади, яъни юмалоқланган чувалача- грануларга айтилади. Улардан ичи бўш деворлар ва ораёпмалар ичи тўлдириладиган иссиқлик изоляция материаллари сифатида фойдаланилади. Минерал пахтанинг ўзи турли - туман иссиқлик изоляцион минералидан олинган буюмлар: наMAT, MATO, ярим бикир ва бикир плиталар қобиклар, сегмент ва бошқалар ясаладиган ярим фабрикат ҳисобланади. Минерал пахта MATO, лист ёки ўрам материал бўлиб, битти ёки иккала томони пухта иплар билан тикилган битумлаштирилган қоғоз билан қопланган минерал пахтадан иборат. Матоларнинг ўлчамлари: узунлиги 3000- 5000 эни 500-1000 қалинлиги 50-100мм. Синтетик боғловчи асосида минерал пахтадан қилинган плиталар узунлиги 900-1800 эни 500-1000 ва қалинлиги 40-100 мм қилиб чиқарилади. Зичлиги бўйича плиталар 50, 75, 125,175,200 ва 300 маркаларга бўлинади. Уларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги $0.044-0.058 \text{ Вт}\backslash(\text{м}^{-0}\text{с})$.

Плиталардан қурилиш қурилмаси саноат асбоб-ускуналари ва қувурларни иссиқлик изоляцияси учун фойдаланилади. Битумли боғловчи асосида қилинган минерал пахта плиталар чордоқсиз ёпмалар ва чордоқ ораёпмаларини иситиш, турар жой ва саноат биноларининг деворларини иссиқлик изоляциялаш учун, шунингдек саноат асбоб-ускуналарининг сиртини изоляциялаш учун хизмат қилади. Қувурларни изоляциялаш учун минерал пахта буюмлар – ярим цилиндрлар ва цилиндрлар кенг қўлланилади. Уларнинг физик-механик хоссалари минерал пахта плиталариники каби бўлади. Кўпик шиша- ғовак тузилишли иссиқлик изоляцияси материалларидир. Майда тўйинган шиша синигининг газ ҳосил қилувчи билан (майдаланган охактош) аралашмасли кўприк шиша буюмлар (плата ва блоklar) ишлаб чиқариш учун хизмат қилади. Ҳом ашё аралашмаси қолипларга солиниб тўлдирилади ва печларда 900⁰гача қиздирилади. Бунда заррачалар суюқланади ҳамда газ ҳосил қилгич парчаланади. Ажралиб чиқадиган газлар шиша массасини шиширади, совуганда у ғовак тузилишли мустаҳкам материалга айланади. Кўпик шишанинг уни бир конга бошқа иссиқлик изоляцияси материалларидан фарқлантириб турувчи қимматли хоссалари бор: кўпик шишанинг ғоваклилиги 80-95 фоиз ғўваklarнинг ўлчами 0.1-3 мм зичлиги 200-600 кг\м³, иссиқлик ўтказувчанлиги $0.09-0.14 \text{ Вт}\backslash(\text{м}^{-0}\text{с})$, кўпик ўишанинг сиқлишда мустаҳкамлиги 2-6 М па. Бундан ташқари кўпик шиша сувга чидамлилиги, совуқбардошлилиги, ёнмаслиги, товушни яхши ютиши билан характерланади, уни осон кесиш ва ишлаш мумкин.

Узунлиги 500, эни 400 ва қалинлиги 70-140 ммли плита кўринишидаги кўприк шишадан деворлар, ораёпмалар, томлар ва биноларнинг бошқа қисмларини иситиш учун қурилишда, ярим цилиндр, қобик ва сегментлар кўринишидаги кўпик шишадан эса харорати 300⁰С дан ортмайдига иссиқлик агрегатлари ва иссиқлик тармоқларини изоляциялаш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, кўпик шиша аудиториялар, кинотеатрлар ва коцерт заллари учун товуш ютувчи ҳамда пардозлаш материаллари бўлиб хизмат қилади.

Шиширилган кerpит- асосан оқ рангли доналар кўринишидаги юқори даражада ғовак материал бўлиб, уни айланадиган ёки шахтали печларда 900-1200⁰Сдан пишираётганда шиширтириб, табиий кerpит олинади. Пишириш жараёнида тоғ жинсидан тузилиши сув жадвал буғланиб чикиб кетади, бу эса юқори даражада ғовак материал олишга олиб келади. Пишириш жараёнида кerpит хажми 5-12 ва ундан ортиқ марта ортиши мумкин.

Доналари ва блокларининг йириклиги 5-20 мм бўлган шишган кerpитнинг тўкма зичлиги 250-600 кг\м³ иссиқлик ўтказувчанлиги 0.07-0.08 Вт\м-⁰с).

Қум ва майда тош кўринишидаги шишган кerpит турли – туман иссиқлик изоляцион буюмларни тайёрлашда енгил тўлдиргич сифатида қўлланилади. Боғловчи материаллардан фойдаланилади. Олинандиган буюмлар (плиталар, ярим цилиндрлар, сегмент ва бошқалар) 250-500 кг\м³ зичликка ва 0.05-0.2 Вт\м-⁰с) иссиқлик ўтказувчанликка эга бўлади. Ўйирилган кerpитдан қилинган буюмлар шу буюмларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган боғловчи материалларнинг хароратига чидамлилигига қараб турли сохаларда ишлатилади. Масалан цементли боғловчи ёки эрийдиган шиша асосида тайёрланган буюмлар завод печлари, қозонлар, қувурлар ва бошқаларнинг қизиган юзларини иссиқликдан изоляциялаш учун, органик боғловчилар асосида тайёрланган буюмлар (битумлар, синтетик смолалар ва бошқалар) эса қурилиш қурилмалари ва музлаткичларни совуқ ўтмайдиган қилиш учун мўлжалланган.

Шиширилган вермикулит- олтин рангли тангача кўринишидаги юқори даражада ғовакли сочилувчан материал бўлиб, табиий вермикулит пиширилаётганда пишириш йўли билан олинади. Шишган вермикулит юқори даражада ғоваклилиги, иссиқлик ўтказувчанлигининг кичиклиги ва оловбардошлилигининг юқорилиги билан характерланади. Ўлчами 1-15 мм ва зичлиги 100-20 кг\м³ донадор кўринишдаги бу материал харорати 1100⁰С гача бўлган изоляцияланандиган юзаларни тўлдирувчи сифатида шунингдек қолипландиган буюмларни тайёрлаш учун ишлатилади. Шишган вермикулитдан иссиқлик изоляцияси буюмлари ишлаб чиқаришда боғловчи моддалар сифатида цемент, гипс, пластик лой, битум, эрийдиган шиша, синтетик смола ва бошқалар тайёрлашда ишлатилади. Таркибида азбест бўлган материал ва буюмлар.

Боғловчи моддаларни қўшиб ёки қўшмасдан азбест толасидан тайёрланадиган материаллар ва буюмлар жумласига азбест қоғоз, каноп, мато, плиталар ва бошқалар киради. Азбест улардан тайёрланадиган ҳар хил иссиқлик изоляцияси материаллари (совелит ва бошқалар) аралашмасининг бир қисми ҳам бўлиши мумкин. Қўриб ўтилаётган материаллар ва буюмларга азбестнинг қимматбаҳо хоссаларида фойдаланилган: ҳароратга чидамлилиги, юқори мустаҳкамлилиги тоналиги ва бошқалар. Азбест қоғоз-оловбардош лист ёки ўрам материалларидир. Листларнинг ўлчами 1000x950 қалинлиги 0.5\1 ва 1.5 мм. Ўрам қоғозлар полотносининг эни 670-950 ва 1150 қалинлиги 0.3, 0.4, 0.5, 0.65 ва 1 мм. Азбест қоғознинг зичлиги 650-1500 кг/м³, иссиқлик ўтказувчанлиги 0.1 Вт/(м·°C) қўлланиладиган энг юқори ҳарорат 500°C. Азбест каноппи тўқиб атрофи ўралган ёки ўралмаган диаметри 0.75-55 мм, бир неча эшилган иплардан тайёрланади. Каноплар бабиналар ёки калавалар тарзида ўралади ва қоғоз ёки полиетилен пардаларга упаковка қилинади. Азбест каноплар кичик диаметри қувурларни 89 ммгача иссиқлик ташигич температураси 500°C гача бўлган ва саноат асбоб-ускуналарининг иссиқлик изоляцияси учун ишлатилади.

II боб. Методика қисми

2.1. Янги педагогик технологиянинг таркибий тузилмаси.

Маълумки, таълим жараёнида талабаларнинг мустақил ўқиш, билим ортириш бўйича фаоллигини таъминлашга қаратилган қатор таълим усуллари ишлаб чиқилган. Улар жумласига муаммоли таълим тизимида кенг қўлланилган деб амалий ўйинлар, ролли ўйинлар ва ҳаказони кўрсатиш мумкин. Бироқ уларни олий таълим тизимида кенг қўлланилган деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча бунинг асосий сабаби шундаки бундай машғулоти ҳар бирига тайёрланишни ўзи бутун бир педагогик тадқиқот бўлиб, у юксак профессионализмни, ижодий ёндашувни ва анча вақт сарфлашни тақоза этади. Ҳар бир машғулотнинг сценарияси одатда ўзига хос бўлиб уни қўпайтириш мумкин эмас.

Таълимга технологик ёндашув туб моҳияти, мақсадини тушуниш учун бир-биридан кескин фарқ қилувчи анъанавий тушунтириш кўрсатмалари, технологик ва қидирув ижодий таълим турларини қарашга ўтамыз. Даставвал уларнинг энг муҳим белгиларини таққослаш асосида ўрганамиз. Би мазкур мавзу бошқа масалаларни маромда педагогик технологиянинг барча томонлари билан батафсил танишишга имкон беради.

Мазкур таълим усули анъанавий таълим тури бўлиб, унда ўқув ахбороти асосан ўқитувчи томонидан баён қилинади. Ўқувчилар эса мазкур билимларни хотирасида сақлашлари ва мустақамлашлари керак. Бунда К.Г.Маквордга (1981) асосан билим тушунчасига киритилган маъно хотирада сақланаётган ахборот деб тушунилади.

Талабаларда бу билимларнинг борлигини имтиҳонларда уларни хотирада қайта тиклаб такрорлаб айтиб бериши, яъни бу билимларга тўғридан-тўғри мурожаат қилинганда уларни ҳеч қандай қўлланмасиз хотирада айтиб бериш текширилади. Бу тизимда билимлар асосан ёдда сақлаш натижасидир. Кўп ҳолларда бу формал маълумотлардир. Луар хотирани ичидан юзага чиқарилади, бошқача қилиб айтганда унга тўғридан-тўғри мурожаат қилиб савол берилганда эса (ёдга) келтирилади. Бироқ ўқиш ўқитиш натижаси хотиралаш даражасидаги билимлар хотирада сақланмайди. Зарур вақтда ўқувчилар уларни жуда қийинчилик билан эслайди. Кўп ҳолларда эса умуман эслолмайди.

Ўқув материаллари узатиш тизимида “ўқитувчи-ўқувчига” тайёр билимларни имкониятидан келиб чиқиб талабанинг ушбу билимларга бўлган эҳтиёжни бор-йўқлиги ҳамда унинг фаоллик даражасини қандай бўлишидан қатъий назар беради.

Бундай ўқув жараёнида фан учун ажратилган ўқув соатлар маърузалар, лабораториялар, амалий машғулотлар ўртасида соатларни тақсимлаш қатъий белгилаб қўйилади. Бироқ ўқиш-ўқитиш натижаси умуман белгилаб қўйилмайди. У асосан педагог виждонига ҳавола қилинади.

В.Гузиев таъкидлаганидек, анъанавий таълим методикаси учун ўқиш-ўқитиш мақсадларини ноаниқ баён қилиш характерлари бўлиб улар дастур талаблари билан ифодаланади холос. Бунда таълим олувчининг ҳолати ҳақида ўзлаштириш тушунчаси орқали сал-пал тасаввурга эга бўламиз. Таълим жараёни эса одатда муваффақиятли педагогик фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар тажрибасини умумлаштириш асосига таяниб ташкил этилади. Ҳар бир аниқ вазият учун муваффақиятли педагогик фаолият кўрсатаётган ўқитувчининг

наъмунаси излаб топилади. Бироқ тобора кўпчилик омиллар ва амалиётчиларнинг кўрсатишича таълимда хусусий методикасининг гуллаб яшнаган даври ўтди ва энг яхши педагоглар тажрибасини умулаштириш (агар умуман нодир ходисаларни умумлаштириш ҳақида гапириш мумкин бўлса) кафолатланган тизим ва мақсадга қаратилган самарали таълимни ташкил этиш имконини беради.

Таълимга тушунтириш кўрсатмали ёндашув усули таълим тизимида катта хизмат кўрсатди. У такомиллаштиришни давом эттиряпти. Бироқ мазкур такомиллаштиришнинг имкониятлари бу ёндашувни ўзига қўйилган принциплар билан чегаралангандир. Тез ривожланиб боровчи фан ва техниканинг талаблари таълим тизимидаги ислохотлар, таълим методлари билан жамиятни рақобатбардош кадрлар тайёрлашга бўлган талаби шахсни ривожлантириш ва уни билимга бўлган эҳтиёжларни қондириш ўртасидаги зиддиятга олиб келди.

Дастлаб таълимга технологик ёндашувнинг умумий характеристикаларини энг оддий мисол сифатида репродуктив таълим даражасида қараймиз. Буни учун танланган вариант М.В.Кларининг “Ўқув жараёнида педагогик технология” ишидан баён қилган концепцияга мос тушади. Маълумки, репродуктив таълим ўқувчига ёдлаб олинган қоидалар асосида бир типдаги, андозадаги вазият бўйича ҳаракатларни ўзлаштиришга имкон беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, репродуктив компонент кўпчилик ўқув предметларида (баъзан сезиларли) даражада мавжуд бўлади.

Мазкур компонент ҳатто ўқувчидан қоидалар комбинациясига таяниб субъектив равишда янги алгоритм ечимларини ишлаб чиқишини талаб қиладиган наъмунавий вазиятда бўлмаган вазифани ечиш кўникмасига яъни продуктив даражада ўзлаштиришга эришиш кўзда тутилганда ҳам кўз иштирок этади.

Репродуктив даражада учун педагогик технология доирасида таълим аниқ тушунарли қилиб қайд қилинган ва кутиладиган натижаларни барча деталаригача аниқ баён қилинган тикланадиган конвейр сифатида ташкил этилади. Ўқув материали аниқ тушунарли қилиб қайд этилган ўқув мақсадларига мувофиқ равишда ишлаб чиқариш алоҳида фрагмент (модул)ларга ажратилади. Бунда ўқув материалларини тақдим этишни альтернатив усуллари кўзда тутилади. Ҳар бир фрагмент тестлаш ҳамда унга мос равишда тузатиш (коррекциялаш) киритиш билан ўргатилади. Ўқиш-ўқитиш иши эталон натижаларга эришишга йўналтирилгандир. Мазкур йўналтирилганликни баҳслашув элементларини ва ўзаро ёрдамчи инкор этмайди. Айни пайтда у бутун таълим жараёнини боришга репродуктив характер бахш этади. Шу боис ҳам у минимум мажбурий билим кўникма ва малакаларни эгаллашда энг катта самара беради. Таълим жараёнини ташкил этишга технологик ёндашишни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларга кафолатланган даражада эришишга имкон беради. Ана шундай самарани таъминлашга имкон берадиган механизмларни қарашга кейинчалик қайтамыз.

Қидирув-тадқиқий изланиш таълим усули.

Ушбу ёндашувда ўқувчиларда муаммоларни ечиш қобилиятини ривожлантириш янги охиригача тасвирлаб етказилмаган тажрибани янги ҳаракат усуллари эгаллаш асосий мақсад қилиш қўйилади.

2.2. Ўқитишга бўлган ёндашувларнинг қиёсий таснифи

Педагогик ўқувчилар ўқув фаолияти устидан демократик, рағбатлантирувчи раҳбарлик фаолиятини амалга оширади, уларни шахсий ташаббусини қўллаб-қувватлайди ҳамкорликни амалга оширади ўқувчилар томонидан ўқув фаолиятини оператив-техник томонини эгаллаш ванс (мотив)ларини биринчи даражали аҳамиятга қўйилади. Юқорида таъкидлаганидек ҳозирги вақтда таълимга қидирув-тадқиқий изланиш ўз таркибига олувчи педагогик технологиялар вариантлари ишлаб чиқилган.

Педагогикада технологик ёндашув ҳам қидирув-тадқиқий ёндашув ҳам зарур. Ҳар бир ёндашувнинг ўзини тадбиқ этиш соҳаси мавжуд. Шу боис таълим тарбия жараёнини ташкил этишда уларни оптимал равишда бирга қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Юқорида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда таълимни турли даражалари учун педагогик технологиялар моделлари. Шу жумладан продуктив (маҳсулдор) ва қидирув ижодий моделлари ишлаб чиқилган.

Оғзаки тушунтириш кўрсатмалари тушунча (анъанавий)	Технологик	Тадқиқий изланиш
Ахборотни ўқитувчидан талабага узутиш. Ноаниқ ўқув мақсадларга. Тайёр билимларни баён қилиш Таълим жараёнининг устувор ташкилий шакллари суҳбат ҳикоя ахборотни ихтиёрий равишда ёдда сақлаш. Ахборотни ёдда сақлаш мустаҳкамлаш ва бойитиш (туғаллаш)га доимий равишда урғу бериш. Билиш босқичлари ягона тизимга етарли даражада боғланмаган айрим предметдан иборат. Машғулотлар академик характерга эга бўлиб улар мутахассисларнинг бўлажак фаолияти билан етарли даражада	Системали ёндашув ёрдамида ўқув жараёнини лойиҳалаш. Ўқув мақсадларини имкон даражада максимал аниқлаштириш. Таълимни ўқувчининг фаолияти (харакати) орқали амалга ошириш. Тескари алоқа орқали таълим жараёнини тузатиш. Шакллантирувчи ва яқунловчи баҳолаш. Меъёрий назорат (тестлаш). Билим ва кўникмаларни тўлиқ ўзлаштириш. Режалаштирилган натижалар эришишни кафолатланганлиги. Таълимни самарадорлиги.	Муаммони ечиш. Ўқув тадқиқоти. Предметлараро боғланиш. Гипотезалар қўйиш ва уларни текшириш. Материаллар тўплаш, моделлаш, экспремент. Рефлексив танқидий, ижодий фикрлаш. Кўп меъёрлилик далил, қарорлар қабул қилиш. Ролли ўйин янгиликларни қабул қилувчанлик ахлоқийлик маънавиятлилик. Интеллектуал лиликни оширишга қодир бўлишлик. Янгиликларни қабул қилувчанлик.

Мамлакатимиз педагоглари педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, илғор ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган таълим технологияларини намаён қилиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш бўйича кейинги вақтларда кенг қамровли ишларни бошлаб юбордилар. Ушбу соҳодаги ишларни жадаллаштириш

учун унга эътиборни янада кучайтириш зарур. Чунки янги таълим стандартлари ва дастурлари доирасида кўп даражали таълим тизимида ўқув жараёнини эскирган методика асосида ташкил этишга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистонлик олим Б.Л.Фарбермон таълиим жараёнини ташкил этишга технологик ёндашувнинг қуйидаги умулалшган схемасини таклиф этган.

Таълим тизимидаги кенг масштабни таркибий ислохотларни республикалар педагогларни томонидан янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнига кенг жорий этиш билан мустахкамлаш орқали рўёбга чиқариш керак. Бунинг учун юқорида таъкидлаганидек, педагогларни ўқув жараёнини технологик ёндашув орқали ташкил этиш бошқариш ва баҳолашга ўргатиш керак. Бу эса педагогик технологияни ўқув жараёнига нафақат жорий этишга, балки Ўзбекистон тажрибаси, анъаналари маданиятини ҳисобга олган ҳолда уни янада ривожлантиришга имкон яратиб беради.

2.3. Педагогик технология.

Ўқиш-ўқитиш қандай қилиб кафолатланган натижалари бўлган технологик жараёнга айлантириш мумкин?

Оддий педагог юқорида самара билан ўқитиш учун нима қилиш керак?

Ўқув мақсадини идентификациялаш (бир қилиш) Б.Блумнинг билим олиш соҳаси бўйича ўқув мақсадлари таксономияси. Ўқув мақсадларининг асосий категориялари. Ўқув мақсадларининг катологи. Эквивалент амалиёт қоидаси. Ўхшашлик амалиёти қоидаси. Реакцияларни қувватловчи қоидаси. Билимларни қувватловчи қоидаси. Билимларни мустахкамлашнинг табақалаштириш қоидаси.	Бу ерда таълимга технологик ёндашув орқали юқорида келтирилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Бунда ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичига алоҳида эътибор берилади. Маълумки, саноатда замонавий технология кенг меҳнат тақсимотини назарда тутди. Буюмларни ва уларни тайёрлаш технологиясини лойиҳалаш энг юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади. Бунда дастлаб нимани ва уни қандай ишлаб чиқиши аниқ ва барча деталларига изохлаб берувчи лойиҳа ишлаб чиқилади. Шундан сўнг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш иши бошланади. Аниқ операцияларни бажарувчилар техник хужжатлар талабларига қатъий амал қиладилар. Бу эса ўртача ихтисосга эга бўлган ходимларга ҳам юқори сифатли операцияларни бажаришга имкон беради. Педагогик технологияда ҳам ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичига айниқса ўқитишнинг охириги натижада лойиҳалашга биринчи даражада эътибор берилади. Шу билан бирга технологик ёндашувни эгаллаб олишнинг дастлабки босиқчида, бизнинг фикримизча, дидактик материалларни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.
---	---

Технологик ёндашув доирасида яратилган дидактик лойиҳалаш приёмларидан фойдаланиш ўқув жараёнини рационал, шу вақтини ўзида ижодий режалаштиришга ёрдам беради.

Янги фикрларни рўёбга чиқаришга уларни яқуний натижарини баҳолашга имкон яратади. Ўқув дарсликларини яратувчи муаллифлар ҳам педагогик технология асосида таълимни ташкил этишнинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олишлари жуда муҳимдир.

